
ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона шаҳридаги “Wine Garden” тантаналар мажмуасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вилоятимизнинг 400 нафардан зиёд фаол хотин-қизлари иштирок этдилар.

Тантана қатнашчиларини бугунги қутлуғ шодиёна билан самимий қутлаган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, уларнинг тимсолида юртимиз аёллари ва фарғоналик барча опа-сингилларимизга энг эзгу тилаklarини изҳор этди.

Мамлакатимизда эришилаётган қувонарли ютуқларда, барча жабҳаларда юксак марраларни қўлга киритишда ҳаётимиз файзи бўлган мунис ва дилбар оила бекаларининг ўзига хос муносиб ўрни борлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Шунингдек, ўз табрик сўзида вилоят раҳбари “Фарғона анорчилик” агрофирмаси раҳбари Мастура Сайфуддинова, “Қува ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Зухра Алиева, “Ўзбекистон Қаҳрамон”лари Патилахон Эргашева, Манзура Мадалиева, “Шухрат” медали соҳибаси Хадичахон Каримова каби бир қатор фарғоналик фаоллар номини санаб ўтди. “Ўзбекистон Қаҳрамон”и Лолахон Муродова, Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова бугун орамизда бўлмаса-да, улар юртимиз ривожига катта ҳисса қўшгани, ислохотлар жараёнида доимо ўрнатилган ва намуна бўлгани ҳамда ўз соҳасида катта мактаб яратганликлари ғурур ва ифтихор билан эътироф этилди.

Мамлакатда хотин-қизларга эътибор, ғамхўрлик ва ҳурмат юқори бўлса, ўша юртда юксак тараққиёт ва ривожланиш бўлишиги, шу маънода, муҳтарам Президентимиз томонидан мўътабар оналаримиз, кадрли опа-сингилларимиз ҳаётдан рози бўлишлари учун кенг қўламли ишлар олиб борилаётганлиги, ислохотлар самараси ҳар бир оила ва инсон ҳаёти мисолида яққол намоён бўлаётгани барчамизни беҳад мамнун этаётганлиги қайд этилди.

Байрам тадбирида вилоят ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, ўзининг самарали меҳнати билан оила бахти ва фаровонлиги мустаҳкамланиши, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшаётган, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган 22 нафар хотин-қизларга “Мўътабар аёл” кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ фаол хотин-қизлар вилоят ҳокимлиги фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Эл ардоғидаги таниқли санъаткорлар – Илҳом Фармонов, Муҳсинбек Мўминов, Илҳом Иброҳимов, Абдужалил Қўқонов, ёш истеъдодли хонанда Жалолиддин Аҳмадалиевларнинг чиқишлари, кадрдон куй-қўшиқлар, мумтоз рақслар байрам тадбирига янада шуқуҳ ва файз бағишлади.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2023-03-04 20:30:59